



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 6 июнь, № 114 (9009)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, барча мўмин-мусулмон юртдошларимизни, бутун халқимизни улуғ ва мўтабар айём — Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилаklarимни билдиришдан гоят мамнунман.

Жамики ислом уммати учун қадрли бўлган ушбу шукуҳли байрам – Ийд ал-Адхони эл-юртимиз билан биргаликда тинч ва осойишта муҳитда кутиб олаётганимиз учун, аввало, меҳрибон ва қудратли Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтдимиз.

Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда ижтимоий, халқчил давлат барпо этиш, унинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва таъсирчанлигини оширишда муқаддас ислом дини, унинг асосий байрамларидан бири бўлган Қурбон ҳайити ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Айниқса, бу байрамнинг инсонпарварлик, аҳиллик, саховат ва олижаноблик каби фазилатлари юртимизда “**Инсон қадри учун, инсон бахти учун**” деган эзгу гоя асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга уйғун ва ҳамоханг бўлиб, аҳолининг эҳтиёжидан қатламларини қўллаб-қувватлаш, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурларимиз самарасини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар! Бугунги кунда мамлакатимизда турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, виждон эркинлигини таъминлаш, диний-маърифий меросимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, ислом динининг эзгу тамойилларини чуқур ўрганиш, буюк тарихимиз ва маданиятимиз дурдоналарини, машҳур алломаларимизнинг бой меросини тўплаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, кўхна Шарқ мўъжизаси — Самарқанд шаҳри 2025 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди, улуғ ватандошимиз Имом Мотуридийнинг 1155 йиллик таваллуд санаси юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари қаторига, шу йил Бухоро шаҳрида ўз фаолиятини бошлайдиган Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ҳам қўшилди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бўлиб этилаётган Ислон цивилизацияси маркази илмий-маъ-

навий йўналишдаги улкан ва ноёб лойиҳа сифатида эл-юртимиз ва халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу муаззам маскан кўп минг йиллик қадимий тарихимиз, бой ва бетакрор миллий маданиятимизнинг ёрқин тимсоли сифатида Янги Ўзбекистон ҳаётидаги гоят муҳим воқеага айланади, деб ишонаман.

Ҳурматли юртдошлар! Шу саодатли кунларда 15 минг нафар ватандошимиз муқаддас ҳаж зиёратини адо этмоқда. Эзгу дуо ва ниятлар ижобат бўладиган мана шундай мунаввар лаҳзаларда уларни ҳам Қурбон ҳайити билан самимий қўллаб, Яратгандан юртимизга соғ-омон қайтиб келишларини сўраймиз.

Умид қиламизки, мухтарам ҳожиларимиз жамиятимизда бирдамлик, оила ва маҳаллаларимизда меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларимиз тарбиясини кучайтириш, уларни илм-маърифатга, замонавий касб-хунарларни эгаллашга, Ватан ҳимоячиси бўлишга тарғиб этиш, муҳтож инсонларга қўмак беришда алоҳида ибрат ва намуна кўрсатадилар.

Қалбларимиз қувончга тўлган ушбу файзли кунларда хорижий давлатларда бўлиб турган ватандошларимизни ҳам бугунги улуғ айём билан чин дилдан қўллаб, уларга соғлиқ-омонлик, бахт ва омад тилаймиз.

Жаҳоннинг узок-яқин ўлкаларидаги мусулмон умматини ҳам қизгин табриклаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Азиз ва мухтарам ватандошлар!

Ҳозирги кунда дунё нақадар мураккаб ва таҳликали бўлиб бораётганини барчамиз қўриб турибмиз. Бундай кескин шароитда юртимизда тинчлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини сақлаб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб кўзлаган юксак мақсадларимизга ета оламиз.

Албатта, ўз тарихида не-не синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва олийжаноб халқимиз бунга ҳар томонлама қодир. Бу йўлда эл-юртимизга мансуб меҳр-оқибат, ўзаро бирлик ва жипслик биз учун беқимёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Сиз, азизларни муқаддас Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қутлуг айём барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислон Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён 5 июнь кuni бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бир-бирини ва дўст халқларимизни муқаддас Қурбон ҳайити – Ийд ал-Адҳо билан самимий қўллаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар даражасидаги фаол мулоқот ва алмашинувлар мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва юк ташиш кўрсаткич-

лари, қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда.

Жорий йил май ойида Техрон шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, бизнес форуми ва саноат кўргазмаси ўтказилди. Ҳамкорлик бўйича 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган “Йўл харита”си қабул қилинди.

Савдо, инвестиция, транспорт ва логистика, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Эрон етакчилари минтақавий кун тартиби ҳамда бўлажак тадбирлар режаси юзасидан фикр алмашдилар.

Ў.а.

Сенаторлар — ҳудудларда

ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси

Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятида ўрганиш ишларини олиб борди.

Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишлар билан яқиндан танишди.

Ўрганиш чоғида Конимех туманидаги Наврўз маҳалласида “маҳалла этилиги” томонидан амалга оширилаётган ишлар, хусусан, аёллар бандлигини таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган ташаббуслар қўриб чиқилди.

3 мингдан зиёд аҳоли истико-мат қиладиган Наврўз маҳалласида ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги, ижтимоий ҳимоя, меҳнат миграцияси ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга яратилган шарт-шароитлар долзарб масала бўлиб қолмоқда. Маҳаллада “аёллар

дафтари” ва пробация рўйхатида турган ёшлар билан боғлиқ муаммолар ҳам қайд этилди. Шунингдек, таъмирталаб уйлارда яшовчи фуқаролар билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Кейин ишчи гуруҳ аъзолари Навоий шаҳрида жойлашган “Ишонч” тураржой мажмуасига таширф бу-юриб, у ердаги шароитларни ўрганди. Аҳолига янада қулай муҳит яратиш ва уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳудудда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишилди. Ҳар бир бинода замонавий ва қулай шароитлар яратилгани, ертўлалар самарали фойдаланиш учун мослаштирилгани, бино ҳамда инфратузилма хизмат кўрсатиш талабларига жавоб бериши эътироф этилди.

Шунингдек, Навоий шаҳрида ўтказилган велоспорт марафони-

да қатнашган ишчи гуруҳ аъзолари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш ва уларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратди.

Марафон давомида иштирокчиларга 20 та замонавий велосипед топширилиб, маҳаллий велоспортчиларнинг ютуқлари алоҳида қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили навоийлик спортчилар Ўзбекистон чемпионати ва кубокларида 15 та медални қўлга киритган. Бу эса, шубҳасиз, вилоятда велоспорт ривожланаётганидан далолат беради.

Ўрганиш доирасида вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар таҳлил қилинди ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали чоралар қўриш зарурлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2026 йилда АҚШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида уюштириладиган 23-жаҳон чемпионатининг учинчи босқич саралаш баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, илк бор мундиаль йўлланмасини муддатидан олдин қўлга киритди. Футболчиларимиз 9-тур доирасида сафарда Бирлашган Араб Амирликларига қарши тўп суриб, 0:0 натижаси билан Ўзбекистон тарихида илк бор Жаҳон чемпионатида йўл олди.

Мамлакат довруғини дунёга танитишда спорт соҳаси катта ўрин тутади. Шу ўринда мазкур соҳага давлат миқёсида эътибор қартилиши янгидан-янги ютуқлар қўлга киритилишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда спортга берилган юксак эътибор натижасида спортчиларимиз Осиё ва жаҳон ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтармоқда. Бу, албатта, барча жойда, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий иншоотлар қурилиши ва уларнинг моддий-техника базалари мустаҳкамланиши, спортчиларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани каби эзгу ишларнинг самараси ҳисобланади. Президентимиз 2023 йил 28 апрель кuni ўтказилган йиғилишда футбол инфратузилмасини тубдан янгилаш, болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни оммалаштириш, замонавий шарт-шароитлар яратиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берган эди.



Сиёсий партиялар фракцияларида

ҲУДУДЛАРДАГИ ЎРГАНИШЛАР ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Маълумки, шу йил 28 — 31 май кунлари сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари ҳудудларда бўлиб электорат вакиллари, сайловчилар, аҳоли билан учрашувлар ўтказди. Ижтимоий объектлар фаолияти билан танилиш, муаммолар ўрганилди, қонунчиликка тақлифлар олинди. Қонунлар, мамлакат раҳбарининг Фармон ва қарорлари, видеоселектор йиғилишлари, давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижроси ўрганилди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг кuni кеча бўлиб ўтган йиғилишларида депутатларнинг ҳудудлардаги мазкур ўрганишлари яқунлари таҳлилий қўриб чиқилди.



АФҒОНИСТОНГА НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига қўра халқимизнинг бағрикенглиги ва қўллаб-қувватлаш раъзи сифатида Қурбон ҳайити муносабати билан Афғонистон аҳолисига 183 тонна озик-овқат махсулоти ортилган навбатдаги инсонпарварлик ёрдами Балх вилоятига етказилди.

Дўстлик ришталари

Термиз шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати хабарида айтилишича, ушбу инсонпарварлик юклари Хайратон шаҳридаги “Астрас” компанияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматилла Иргашев, Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов ҳамда Балх вилояти губернаторининг ўринбосари Нурулҳоди Абуидрис, шунингдек, икки

томон расмийлари иштирокида топширилди.

Инсонпарварлик ёрдами таркибидан ун, гуруч, шакар, макарон ва қандолат махсулотлари, ўсимлик ёғи, тез тайёрланадиган таомлар, қизил ловия ва мош ўрин олган.

Афғонистон расмийлари Ўзбекистон Президенти ва халқига инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорлик билдириб, Қурбон ҳайити муносабати билан самимий табрикларини йўллади.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК ЙЎЛИДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев АҚШнинг Миссисипи штати Миллий гвардияси кўмондонни, генерал Бобби Жинн бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истикболлари, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликка умумий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувда ҳар икки томон ҳам алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро фойдали шерикликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

МЕҲР-ОҚИБАТ, ШОДЛИК, ХАЙР-САХОВАТ АЙЁМИ

Мамлакатимизда муборак Қурбон ҳайитини кўтаринки кайфиятда нишонлаш яхши аънаъага айланган. Байрам кунлари юртимизда меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби халқимизга хос эзгу фазилатлар янада ёрқин намоён бўлади.

Шукуҳ

Ушбу муборак айёмда қариндош-уруғлар, ақинлар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинади, кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам берилади, қисқача айтганда, жамиятда бирдамлик ва аҳиллик муҳити яна ҳам мустаҳкамланади.

Кези келганда, бугун мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига чиққани, барча соҳа қатори диний-маърифий жабҳада ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилётгани, ютуқларга эришилётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Янги Ўзбекистондаги бу муваффақиятлар замирида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги янгилык ва енгилликларни алоҳида қайд этиш, хусусан, икки муҳим ҳужжатни эслаб ўтиш лозим. Биринчиси — “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун, иккинчиси — Президентимизнинг “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ушбу икки муҳим ҳужжат том маънода диний-маърифий соҳа самарадорлигини янги босқичга олиб чиқишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлди.

Фармонга асосан кўҳна Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Бу халқимиз, хусусан, диний-маърифий соҳа вакиллари учун катта хушхабардир.

Ушбу марказ буюқ аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлик тарикати алоқаларининг юксак инсонпарварлик гоғяларини илмий асосда ўрганиш, ёш авлодни бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутadi. Шунингдек, тасаввуф таълимоти тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш, “Етти пир” аломалари ва азиз авлиёларнинг бой илмий-маънавий меросини халқро майдонда кенг тарғиб қилиш каби асосий вазифаларни бажаради. Нақшбандийлик таълимотининг эзгу гоғяларини тадқиқ этиш учун илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган анжуман, конференция, кўргазма, семинар-тренинг, танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этади. Тасаввуф таълимотининг илмий асосланган гоғяларини тарғиб қилади ва сохта тарикатчиликнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Ушбу марказ ҳам Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази сингари унчинчи Ренессанснинг қарор топтириш йўлидаги яна бир мустаҳкам илм ва ақл маркази бўлади, албатта.

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раисининг
биринчи ўринбосари.

ТАБИАТНИ АСРАШГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ



4-5 июнь кунлари Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан қатор тадбирлар ташкил этилди.

Тадбир

Уларда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар масъуллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида.

Таъкидланганидек, эллик йилдан ортқ вақт мобайнида дунё мамлакатларида Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўнига бағишланган тадбирлар, жумладан, “яшил” концертлар, танловлар, учрашувлар, шунингдек, табиатни асрашга қаратилган турли экологик акциялар ўтказилди.

Сўнгги йилларда иқлим ўзгари-

ши, чўлланиш ва ер деградацияси, чиқиндилар ҳажмининг ортиб бориши, атмосферанинг зарарланиши, сув танқислиги ва ифлосланиши, биохилмаҳилликнинг қисқариши авж олаётган шароитда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси бора-сида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарур шарти сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланди.

Оролнинг қуриган тубида ўрмон-

зорлар барпо этиш бўйича ишлар жадал олиб боришмоқда. Ўтган давр мобайнида қарийб 2 млн. гектар майдонда ўрмонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бетақор, ноёб флора ва фауна турларини сақлаб қолиш учун миллий қўриқхоналар, боғлар, экологик марказлар ривожлантирилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижа-сида республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони қарийб 6,4 млн. гектарга етказилиб, мамлакат ҳудудининг 14,08 фоизини ташкил этмоқда.

Сув ресурсларидан самарали

фойдаланишни таъминлаш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Машиий чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш устувор вазифалардан бири экани белгиланиб, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотга нисбатан “иссиқхона газлари” улушини 35 фоизга камайтиришга қаратилган иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектилари ҳамда аҳоли тураржойларида кўёш ва шомол энергиясидан фойдаланиш борасида лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалиётга жорий этилди ва унинг доирасида ҳар йили баҳор ва куз мавсумида 200 млн. туп дархат кўчати экилмоқда.

Юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” дав-

лат дастури доирасида маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, яшиллик даражасини ошириш, табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвотот дунёсини асраш, биологик хилмаҳилликни сақлаш, “яшил” иқтисодиёт тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Экологик муаммоларни ҳал этишда тежамкор, экологик тоза технологиялар жорий қилинаётир, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида изчил ишлар йўлга қўйилди.

Тадбир доирасида “Биз табиатга бефарқ эмасмиз!” мавзусида имконияти чекланган болалар ўртасида табиат қўнидан расмлар чиғиш ҳамда гуллар экиш танлови ва бошқа бир қатор акциялар ўтказилиб, болаларга эсдалик совғалар топширилди, фаоллар ва журналистлар тақдирланди.

Шунингдек, Тошкент давлат аграр университетида ҳам мазкур сана муносабати билан “Бизнинг ерими, бизнинг келажакимиз” мавзусида семинар ўтказилди.

«Халқ сўзи».

КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

Маълумки, 5 июнь санаси дунё ҳамжамиятини табиатга нисбатан масъулятли муносабатга қорлайдиган муҳим экологик кун сифатида глобал аҳамият касб этади. Бугунги кунда иқлим ўзгариши, чўлланиш ва ер деградацияси, чиқиндилар ҳажмининг ортиши, сув танқислиги ва биохилмаҳилликнинг қисқариши каби мураккаб экологик муаммолар ортиб бормоқда. Жаҳоннинг қайси чеккасида жойлашганидан қатъи назар, аксарият давлатлар экологик буюронлар билан юзлашмоқда ва унинг олдини олиш учун кескин чоралар қўришга мажбур бўляпти. Бу жараён-дан Ўзбекистон ҳам четда эмас.

Мулоҳаза

Конституция ва миллий стратегиялар доирасидаги саъй-ҳаракатларда ҳам бу ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, янги тахрирдаги мамлакатимиз Конституциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги даражасини яхшилашнинг зарурий шарти сифатида белгиланди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар майдонини 2,3 млн. гектарга етказиш режалаштирилган. Айниқса, Орол денгизининг қуриб қолган тубида қарийб 2 млн. гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилгани минтақада экологик барқарорликни таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, табиий ресурсларни оқилона бошқариш — устувор йўналиш сифатида белгиланди ва сув ресурслари-

дан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда мелiorацияни такомиллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Олиб боришган ислохотлар туфайли сув сарфи 1990 йиллардаги 64 млрд. кубометрдан ҳозирги кунда 51 млрд. кубометргача камайтирилди. Айни чоғда атмосфера ҳавоси муҳофазаси ва чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларида бирига айланган.

Бу йўналишда “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбалари фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш мақбул йўл сифатида қўрилмоқда.

Хусусан, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотга нисбатан “иссиқхона газлари” улушини

35 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Шу мақсадда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектилари ва тураржойларда кўёш ҳамда шомол энергиясидан кенг фойдаланиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилляпти. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида эса ҳар йили баҳор ва куз фаслларида 200 миллиондан ортқ дархат кўчатлари экиляпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, экологик барқарорликни таъминлаш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш каби масалаларда Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари нафақат мамлакатимиз, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам қўл келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йилда БМТ Бош Ассамблеяси “Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги резолюцияни, 2024 йил 13 августда эса “Деградацияга учраган ва қургок ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дархат экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши курашининг самарали ечими” резолюциясини бир овоздан қабул қилди. Жорий йилнинг 30 май куни эса “Яшил макон” лойиҳасини янги бос-

қичга кўтаришга қаратилган муҳим Фармон қабул қилинди. Ҳужжатга кўра ҳар бир дархат кўчати экологияга мос равишда парвариш қилиниши, кўчат экиш билан чекланиб қолмай, уни сақлаб қолиш ҳам устувор вазифа бўлиши шарт.

Мамлакатимизда жорий “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” доирасида экологик таълим-тарбия, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, “яшил” истеъмол маданиятини шакллантириш, табиатга онгли муносабатни тарғиб қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг “2030 йилгача аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳим бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: соф ва барқарор муҳитни келажак авлодларга етказиш, бу — нафақат бурч, балки инсоний фарз. Табиат бизга ота-боболаримиз томонидан қолдирилган омонат. Шундай экан уни асраб-авайлаб, кейинги авлодларга бениқсон етказиш олдимиздаги муқаддас бурчимиздир.

Анвар ТҲҲИЧЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги
масалалари
ва экология кўмитаси раиси.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси:

ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳаётга татбиқ этилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида барча соҳа ва йўналишларда бўлгани каби экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини кенгайтиришга доир муҳим ташаббуслар белгиланган.

Муносабат

Хусусан, ҳар йили 200 млн. туп дархат экиб бориш ва республикада яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, экиладиган ҳар бир дархатни парвариш қилиш ва сугориш тизимини яратиш, 1 984 та яшил ёғ, шу жумладан, 112 та йирқик саноат корхона-си томонидан ўз ва туташ ҳудудларида уч йил давомида 30 млн. туп кўчатдан иборат “яшил белбоғ”лар барпо этиш каби ташаббуслар ана шулар жумласидандир.

Қолавеерса, Стратегия доирасида барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муассасалари ҳудудларида ҳам боғлар ташкил этилиб, биргина Тошкент шаҳрида яшил майдонлар ҳудуди 5 баробар кўпайтирилиши айтиб ўтилган. Шаҳар ва туман марказларида эса ҳар 50 — 100 минг аҳоли учун “жамоат парклари” ташкил этиляди.

Эътиборли жиҳати, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган тўрт йил давомида 872 млн. туп кўчат ва бутта экилди. Дастлаб 2021 йил куз фаслида лойиҳа доирасида 86 млн. туп кўчат ўтказилган бўлса, жорий баҳорги мавсумда 136 млн. туп дархат ва бутта кўчатлари экилди. Оролбўйи ҳудудида 2 млн. “яшил қоплама”ли ҳудуд яратилиб, минтақанинг экологик ҳолатини яхшилаш ва салбий ҳолатлар олдини олишга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва унда белгиланган ус-

тувор вазифалар ушбу йўналишда амалга ошириляётган ишлар кўламини янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Хусусан, ҳужжатда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экиляётган дархат ва бутта кўчатларининг кўкарувчанлиги, яшовчанлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини ошириш мақсадида 2026 йил 1 январдан давлат ўрмон ҳўжаликларига республика ҳудудларининг иқлим шароитига мос дархат турларининг замонавий селекция усулларидадан фойдаланиб сифатли ва кафолатланган уруғларни етиштириш ҳажмини 1,5 баравар, етказиб бериляётган кўчатлар ҳажмини эса 2 бараварга ошириш белгиланди. Шунингдек, уруғчилик лабораторияларида ҳудудларнинг иқлим шароитига мос ўсимлик турларидан оналик плантациялари ташкил этиляди.

Баъзан жойларда сайловчилар билан учрашувлар ҳамда жамоатчилик фаолларининг ижтимоий тармоқлардаги чиқишларида айрим ҳудудларда лойиҳа доирасида экилган кўчатларнинг ўз вақтида парвариш қилинмаслиги ёки кўчатлар парваришлаш имкони бўлмаган чўл ва тоғлиқ ҳудудларга экилиб нобуд бўляётгани, натижада миллионлаб маблағлар ҳавога соғиритилгани билан боғлиқ эътирозлар ҳам учраб туради.

Фармонда юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шу йил 1 октябрдан бошлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда жамоатчилик иштирокини оширишга, “Яшил макон” электрон платформасида очикликни таъминлаш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Хусусан, “Яшил ма-

кон” умуммиллий лойиҳасига Давлат бюджетдан ажратилмадиган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка “ҳар бир тийин сарфланганини кузатиш” таъмоили асосида онлайн етказиб борилади.

Шунингдек, платформада дархат ва буталарни кешиш учун рўхсатнома бериш юзасидан мурожаат қилган шахс тўғрисида маълумот, қўчирилиши ёки кесилиши тақлиф этиляётган дархат ва кўчириш (кешиш) сабаби, аниқ манзили, жойлашуви, фото ва видеотасвири ҳам акс эттирилади. Дархатларни қўнунга хилоф равишда кесган жисмоний ва юридик шахслар, бундай ҳуқуққузарликлар ва улар юзасидан қўрилган чоралар бўйича “Яшил макон” электрон платформасига доимий равишда маълумотлар киритиби борилади.

Яна бир муҳим жиҳат — малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши. Жумладан, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ва унга бириктирилмадиган “яшил” техникумларда ўқув жараёни дуал таълим тизими асосида йўлга қўйилиб, илмий-амалий машғулотларни ташкил қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ботаника ёки дендрология боғлари барпо этилади. Уруғчилик, кўчатчилик, иқлим ўзгариши соҳаларида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил қилинади.

Фармон ва унда белгиланган вазифалар лойиҳа доирасидаги тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, ўрмон ҳамда яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш ва чўлланишга қарши курашиш ишларини тизимли амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш масалалари кўмитаси аъзоси.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ — СОҒЛОМ ҲАЁТ АСОСИ

Бугунги кунда бутун инсоният олдида турган энг долзарб ва глобал муаммолардан бири, бу — атроф-муҳит ифлосланиши, табиий ресурслар камайиши, биологик хилмаҳилликнинг йўқолиши ва экологик мувозанатнинг издан чиқиши. Сўнгги йилларда халқро миқёсда экологик муаммоларга глобал хавфсизлик, ижтимоий беқарорлик ва инсон саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган хатар сифатида қаралмоқда. БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар бугунги экологик вазиятни инсоният келажакига таҳдид солувчи хавф даражасида баҳоламоқда.

Депутат минбари

Президентнинг шу йил 15 май куни қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори эса соҳада энг муҳим масалани ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Мазкур ҳужжат — экологияни сақлаш борасидаги ислохотларнинг узоқ муддатли, тизимли ва мақсадли йўлга қўйилётганини кўрсатади. Қарорда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари мактаб ҳамда ўрта махсус ва касбий таълим тизими ташкилотлари ўқувчилари, талабалар ва ташкилот, муассасалар ҳосимларида экологик маданиятни шакллантириш асосий мақсад қилиб олинган. Шунингдек, 1,9 млн. нафар олий таълим тизими ташкилотлари талабаларида ва 90 фоиз давлат органлари, корхона ва муассасалари ходимларида экологик маданиятни юксалтириш белгиланган.

Қарорнинг 2025 — 2030 йилларда ҳар бир фуқаронинг экологик масъулятини оширишга йўналтирилган экологик таълим, тарғибот ва ахборот сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирлари белгиланган қисми экологик онг ва маданиятни шакллантиришда муҳим бўрилиш нуқтасидир. Бу оркали нафақат қонунчилик, балки фуқароларнинг ички экологик масъулятини шакллантириш, мактабгача таълимдан бошлаб олий таълим, ОАВ ва маҳалла тизимида экологик тарбия ва ахлоқни кучайтириш зарурлиги белгилаб берилган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг муҳим томонларидан бири — унда турли қатламлар, талабалар ва ўқувчилар ўртасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Янги дархат — янги нафас” республика экокомпионати йўтказиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, “Эколог олимлар ҳамжамияти” нодавлат нотижоир ташкилотини таъсис этиш, олий таълим муассасалари талабалари томонидан Ўзбекистон эковолонтер талабалари ҳаракатини тузиш каби аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Қарорнинг ушбу жиҳатидан келиб чиқиб, вилоят Кенгашига Экологик партиядан сайланган депутат сифатида Андижон давлат чет тиллари институтида эковолонтер талабалар гуруҳини ва бунга бошқа олий таълим муассасаларини жалб этган ҳолда эковолонтер талабалар ҳаракати фаолиятини ташкил қилди. Шунингдек, қарор ижросини таъминлаш доирасида ишлаб чиқилган истикболли режага биноан халқро экологик дастурлар билан интеграциялашган таълим ресурсларини яратиш, талабалар ўртасида “Экология билимдони”, “Экологик маданият тарғиботчиси”, “Энг фаол эковолонтер” ва “Йилнинг энг яхши экология хомиячиси” каби турли номинациялар бўйича танловлар ташкил этилади.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларининг даврий, илмий нашрларида, газета ва журналларда экологик муаммоларга бағишланган алоҳида рўнхлар веб-сайтларида эса “Экофаол талабалар” номили алоҳида бўлим очилиб, унда таълим муассасасининг талабалари томонидан экологик маданиятни юксалтириш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар жойлаштирилади.

Бундан ташқари, “ЕсоАСИФЛ” эколуби ташкил этилиб, экологик маданият соҳасида хорижий тилларни мукаммал билидиган кадрлар тайёрлаш мақсадида чет давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини яратиш ҳам кўзда тутилган. Бу режаларнинг амалга оширилиши ёш авлодда табиатга эътиром ва экологик ахлоқни шакллантиришда муҳим омил бўлади.

Дилшодбек РУСТАМОВ,
халқ депутатлари Андижон вилояти
Кенгаши депутати.

ХУДУДЛАРДАГИ ЎРГАНИШЛАР ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Очиқ мулоқот — иш фаолиятида энг муҳим йўналиш

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатларнинг сайлов округларида ўтказган учрашувларининг аёнлари муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, фракция аъзолари 133 та маҳалла фуқаролар йиғинида, 483 та хонадонда, 301 та тадбиркорлик субъектида, шунингдек, 196 та ижтимоий соҳа объектида бўлди. Улар сайловчилар билан мулоқотда бўлиб, 280 та учрашув ўтказди. Мулоқотлар чоғида 474 нафар фуқаро қабули ташкил этилди.

Депутатлар сайлов округларида Президентимиз раислигида шу йил 18 апрель кунин дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишларнинг соҳа ва тармоқларга таъсирини камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишининг аҳамиятини тушунтирди, белгиллаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Шунингдек, тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослаштирилган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан 7 май кунин ўтказилган видеоселектор йиғилишининг аҳамияти аҳолига эътибор қилинди.

Учрашувлар давомида жамият ҳаётидаги долзарб масалалар, жумладан, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури, экологик вазият, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, чинқиндиларни қайта ишлаш, давлат компанияларини трансформация қилиш, соғлиқни сақлаш, дорилар нархи ва бошқа шу каби дастурлар, улар учун ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликни сифат босқичига олиб чиқиш ва доимий, узвий мулоқотни таъминлашга келишиб олинди.

Фракция аъзоларининг ҳудудларда аҳоли вакиллари билан учрашувлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда фуқаролар учун сайёр қабул ҳам ташкил этилди.

Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти аҳоли ва сайловчиларни ўйлантираётган айрим масалалар ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш имконини берди. Жумладан, депутатлар томонидан маҳаллий ижро органлари билан биргаликда қўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли томонидан кўтарилган масалаларнинг салмоқли қисми жойида ҳал этилган бўлса, айримлари ҳудудий ижро органлари томонидан қўриб чиқилиши белгиланди.

Муҳокама давомида сайлов округларидаги учрашувлар чоғида республика даражасида аниқланган муаммоларни парламент

да ошириш мақсадида учрашувлар натижасида аниқланган муаммо, камчиликларни дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бартараф қилиш чора-тадбирларини тизимли давом эттириш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Депутатлик сўрови юбориш тақлифи билдирилди

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида маълум қилинганидек, фракция аъзолари томонидан партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ҳамроҳлигида 451 объект, жумладан, 88 та маҳалла фуқаролар йиғини, 142 та хонадон, 145 та ижтимоий соҳа ташкилоти, 56 та тадбиркорлик субъектига ташриф буюрилди. Жойларда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиниб, 200 га яқин уч-

тат Васи́ла Файзи́ева ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишган бўлса, Фарғонада бўлган Сайёра Жумаева Бағдод тумани Чекмирза маҳалласидаги “аёллар дафтари”га киритилган 9 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган, қовоқ етиштириб, мўмай даромад кўраётган, шунингдек, супурги ишлаб чиқариш орқали ўзини ўзи банд қилган фуқаролар хонадонларида бўлди. Маълум бўлишича, бу супурғилар хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинаётган экан.

Бу галги ўрганишларда Ўзбекистон Республикасининг “Кўп қавтирарили уйлари бошқариш тўғрисида”ги Қонунининг жойлардаги ижросига ҳам эътибор қаратилгани таъкидланди. Чунки жойлардаги ўрганишларда аҳолидан тўшаётган мурожаатларнинг аксарияти ушбу соҳада бўляпти.

Қайд этилишича, республика бўйлаб 371 кўп қаватли уйнинг бошқарув ҳолати ҳамда уларга



Халқ вакилларининг сайлов округларидаги ўрганишлари давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда фуқаролар учун сайёр қабул ҳам ташкил этилди. Уларда ҳудудлардан қуйи палатага мурожаат ва тақлиф йўллаган фуқаролар тақлиф қилиниб, уларнинг масалалари жойида кўриб чиқилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан ишлаб чиқилган “Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари учун тавсиялар”дан келиб чиқиб, ҳудудларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати ҳам депутатлар эътиборида бўлди.

Депутатлар партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб до-рилар муомаласига оид мавжуд ҳолатни, ушбу фаолиятни рақамлаштириш истиқболларини ўрганди. Шунингдек, ҳудудларда жамоатчилик назорати тартибида мактабгача таълим муассасаларида болалар ўртасида кузатилаётган “яссиоёқлик” ва “сколиоз” касалликларини аниқлаш мақсадида тиббий кўриклар ташкил этилди.

Муҳокама давомида фракция аъзолари томонидан ҳудудларда ўрганишлар давомида жами 307 та объектга ташриф буюрилгани, 104 та ижтимоий соҳа объекти ва 48 та маҳалла фуқаролар йиғинида учрашувлар ўтказилган-

Муҳокамада сайловчилар билан ишлашни янада яхшилашга қаратилган қатор тақлифлар берилди ва устувор вазифалар белгиллаб олинди.

Қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти тушунтирилди

Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида таъкидланганидек, депутатлар сайлов округидаги ўрганишлари чоғида мамлакатимизда коррупциядан холи муҳит яратиш, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари томонидан 34 та маҳалла фуқаролар йиғини, 58 та хонадонга ташриф буюрилиб, 76 та учрашув ташкил этилган, 120 нафардан ортқ тадбиркорлар билан бе-восита мулоқотлар ўтказилган. Шунингдек, 70 га яқин ижтимоий соҳа объекти, 40 дан ортқ тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан қяндин танишилган.

Шу билан бирга, туман ва шаҳарларда ер солиғи ҳамда ижара тўловлари учун белгиланган минимал қийматларга оширувчи коэффицентлар белгилаш ишларини халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари билан келишган ҳолда тадбиркорларнинг имко-нияти ва молиявий аҳолидан

Ойбек РАҲИМОВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:

— Учрашувларда сайловчилар томонидан кўтарилган 70 дан ортқ масалаларнинг аксарияти мутасадди маҳаллий ижро органлари билан ҳамкорликда ҳал этилди.

ни қайд этилди. Уларда фуқароларни қийнаб келаётган масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилиб, аксарият мурожаатларни ижобий бартараф қилишга эришилгани ургуланди.

Электорат манфаатларини таъминлаш — доимий эътиборда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари сайловчилар билан учрашувлари якунларини атрофлича кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мазкур жараёнда фракция аъзолари 100 дан ортқ хонадонларга ташриф буюриб, аҳоли билан мулоқотлар олиб борди.

Учрашувларда Қонунчилик палатасининг қонун иждоркорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, партиянинг дастурида илгари сурилган муҳим ташаббуслар ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Фракция аъзолари партиянинг электорати манфаатидан келиб чиқиб, ҳудудларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўқиларсиз ҳаракатланиши учун яратилган шароитларни ҳам ўрганишди. Хусусан, Нукус, Андижон шаҳарлари, Пахтакор, Мирзачўл, Денов, Қарши, Касби, Чилонзор, Юнусобод туманлари, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида бу борадаги ишлар таҳлил қилинди.

Йиғилишда қайд этилганидек, учрашувларда уй-жой, коммунал, бандлик, таълим, пенсия ва нафақа таъминоти, соғлиқни сақлаш, транспорт, йўл қурилишига оид ечимини кутаётган масалалар ҳам ўртага ташланган. Ушбу масалаларнинг ечими эса назоратга олинган.



Жанубий Кореяда янги Президент сайланди

3 июнь кунин Жанубий Кореяда муддати-дан олдин Президент сайлови ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра бу галги сайловдаги иштирокчи 1997 йилдан бери рекорд кўрсаткич бўлиб, 79 фоиздан ортқини ташкил этган. Сайловчилар фаоллиги 77,8 фоиз бўлгани айтилмоқда.

“Тобуро” демократик партияси номзоди Ли Чже Мён мамлакат тарихидаги энг кўп — 17 миллион 280 мингга овоз тўплади. Бу 49,4 фоиз овоз дегани. Бошқа номзодлар — “Фуқаролик ҳокимияти” партиясидан Ким Мун Су 41,15 фоиз, Ислохотлар партиясидан Ли Чжон Сук эса 8,34 фоиз овоз олди. Ишчилар демократик партиясидан Квон Ёнг Гук 0,98 фоиз, мустақил номзод Сунг Жин Хо эса 0,1 фоиз овоз олди.

Ли Чже Мёнининг инаугурация маросими сайлов натижалари эълон қилиниши биланоқ ўтказилди. Янги Президент ўз нутқида глобал муаммолар ва ўзгаришлар шароитида амалий дипломатиянинг муҳимлигини таъкидлади. У мавжуд инқирозларни мамлакат манфаатларини таъминлаш имкониятларига айлантириш ваздасини берган.

Ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қодир давлатлар кўпми?

“Science Alert”нинг хабар беришича, Германиянинг Геттинген университети ва Буюк Британиянинг Эдинбург университети олимлари тадқиқот ўтказди.

Тадқиқот муаллифлари етти та асосий озиқ-овқат гуруҳи (мева-сабзавот, сут маҳсулотлари, балик, гўшт, дуккакли ва крахмалли экинлар) бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилди. Таъкидланишича, дунёдаги 186 мамлакатдан фақат биттаси ташқи ёрдамсиз ўзини барча асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қодир экан. Бу — Жанубий Американинг Шимоли-Шарқидagi бир миллиондан кам аҳолига эга бўлган кичик Гайана давлати.

Хитой ва Вьетнам еттита гуруҳдан олтитасида ички эҳтиёжларни қоплай олар экан. Давлатларнинг учдан бир қисминдан кўпроги атиги бир ёки икки гуруҳ маҳсулот билан ўзини тўлиқ таъминлайди. Олтита давлат — Афғонистон, БАА, Ироқ, Макао, Қатар ва Яманда ўзини таъминлай оладиган озиқ-овқат маҳсулотлари етарли эмас.

Тадқиқотчилар нафақат халқаро ҳамкорликни, балки савдо алоқаларини кенгайтириш ҳам муҳимлигини таъкидлашмоқда. Бу барқарор озиқ-овқат тизимларини қуриш ва узоқ муддатда аҳоли саломатлигини таъминлаш учун зарур.

Йўқолган ер ости кутубхонаси топилди

Хабарларга кўра Ҳиндистоннинг Тикамгар шаҳрида йўқолган деб ҳисобланган ер ости кутубхонаси тасодифан топилди. Бу ерда 50 мингга яқин ноёб китоблар мавжудлиги айтилмоқда.

“Times of India” газетасининг хабар беришича, кашфиётни ушбу шаҳарнинг янги раҳбари Вивек Кшотрия ушлаб оширган. Унинг айтишича, болагидан қадимий сарой остидаги “йўқолган кутубхона” ҳақидаги ривоятларни эшитиб келган ва уларни шахсан текширишга аҳд қилган. Ва сезгиси уни алдамаган: улкан ёғоч эшиклар ортида яхши сақланган китоблар тўплами борлиги аниқланди.

В. Кшотрия дарҳол оммавий мерос кутубхонасини ташкил этиш мақсадида маблаг ажратилишига эришилди ҳамда термитлар томонидан шикастланган жилдларни сақлаб қолиш ҳаракатини бошлаб юборди.

Атлантика океани устида 3,2 минг км. ўлчамдаги чанг булуғи пайдо бўлди

“Bloomberg” агентлигининг хабарига кўра Атлантика океанини деярли кесиб ўтган булут Сахрои Кабир устида ҳосил бўлган. Аини дамда чанг қатлами қалинлиги 4 километрга етди.

Сахрои Кабирда кўпинча чанг ва қумдан иборат улкан булуғлар пайдо бўлади, аммо улар ҳали Америка қитъасига етиб бормаган. Иссиқ чанг массалари дастлаб тропик циклонлар туфайли кўтарилди, сўнгра Атлантика океани устидаги нам ва зичроқ ҳаво уларни янада баландроқ кўтарди ва Фарбга ҳаракатланишига ёрдам беради. Баззан шомол чанг массаларининг бир қисминини Европага олиб боради. Бундай булуғлар 100 миллион тоннагача чангини олиб юриши мумкин.

Чанг булуғларининг пайдо бўлиши ҳаво сифатини кескин ёмонлаштиради, бу ўпка касалликлари, жумладан, астма билан оғирган одамлар учун хавфлидир. Бундай шароитда ҳатто соғлом одамларнинг соғлиги билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



назорати шаклларидадан фойдаланган ҳолда, вилоят ва туман даражасидаги масалаларни маҳаллий мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ҳал қилиш чораларини кўриш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти самарадорлигини яна-

Тошкент шаҳрида сановат ўсиши 1,1 фоизни бой бергани кўрсатилди, кўрсаткичларни ошириш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Йиғилишда фракция аъзоларининг бу борадаги ўрганишлари таҳлил қилинди. Хусусан, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамроҳлигида “Мирзо Улуғбек кичик сановат зонаси”да бўлган депу-

раислигида шу йил 7 май кунин ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиллаб берилган мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказди. Ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларининг аҳоли, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ўрганилди.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ БОШ МЕЗОНИ

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар прокуратура идоралари олдига ҳам жамиятда адолат барқарорлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун устуворлигини таъминлашдек ўта масъулиятли вазифаларни қўйди.

Шу нуқтаи назардан, Навоий вилояти прокуратурасининг жорий йилги фаолиятига разм солсак, йил бошидан буён прокурор назорати ҳужжатлари асосида 7,5 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганини кўриш мумкин. Шунингдек, прокурорларнинг протестлари асосида 1 мингдан ортиқ ноқонуний ҳужжатлар қонунга мувофиқлаштирилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 450 дан ортиқ тақдимномалар киритилди.

■ Ҳуқуқ ва масъулият



Аёнки, саломатлик фўқароларнинг кайфиятини белгилловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига нисбатан соғлиқни сақлаш соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, уларнинг саломатлигини тиклаш ва давоаланиши учун кўмаклашиш мақсадида вилоят прокуратура идоралари томонидан 41,4 минг нафар шахс чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Таъсирчан назорат олиб борилиб, прокуратура идоралари аралашуви натижасида “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 4 млрд. 948 млн. сўм ажратилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож 19 нафар шахсда мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Шунингдек, узок вақтдан буён ноғиронлик ҳолати аниқ бўлган 65 нафар фўқарога ноғиронлик белгиланиши ва 95 нафар шахснинг ордер асосида тиббий муассасада давоаланиши таъминланди. Шу жараёнда соғлиқни сақлаш соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 22 та тақдимнома киритилиб, 90 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши кўзгатилди.

Ёшлар — янги Ўзбекистоннинг мустақам таянчи. Навоий вилоти аҳолисининг 270 мингдан зиёдини 14 — 30 ёш оралиғидаги йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг жисмонан ва маънан уйғунлиқда камол топишини таъминлаш мақсадида маҳаллалардаги ёшлар етакчилари томонидан ёшлар баланси шакллантирилиб, электрон платформага киритилди. Шу асосда “ёшлар дафтары”даги ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлардан, 917 нафарининг (80,1 фоиз) ижтимоий муамолари ҳал этилди.

Бундан ташқари, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “аёллар дафтары”га киритилган хотин-қизларнинг 115 минг 18 нафарига амалий ёрдамлар кўрсатилди. Уларнинг 4 049 нафарини ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, 515 нафарини тадбиркорлик қилиш истигадиги, 1 656 нафарини боқувчиси йўқлар, 4 295 нафарини 1 ва 2-группа ноғиронлиги бўлганлар ташкил этса, 93 нафарини уй-жойга муҳтож, 910 нафарини қарамоғида ноғирон фарзанди бўлган аёллар ташкил қилади.

Вилоятда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қонун ҳужжатлари ижроси доимий

назоратга олиниб, 77 нафар тадбиркорга кредит ажратилишида, 228 нафарининг коммуникация тармоқларига уланишида, 126 нафарига бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди, 768 нафарининг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ёки текиширишлар ўтказилиши билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 19 нафар маъсул шахснинг интизомий ва маъмурий жавобгарлиги ҳал этилди.

Навоий вилоти мамлакатимиз-

қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Айни жараёнда маблағлардан мақсадли фойдаланиш, қурилиш объектларида давлат назорати, муаллифлик ва техник назорат олиб бориш прокуратурада ташкил этилган штабларда экспертиза идоралари билан биргаликда ўрганилди. Натижада 186 та объект учун тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларидаги 154,5 млрд. сўм маблағ мақбуллаштирилиши орқали ортиқча харажатнинг олди олинди.

Хусусан, Хатирчи туманидаги

“**Навоий вилоти прокуратурасининг жорий йилги фаолиятига разм солсак, йил бошидан буён прокурор назорати ҳужжатлари асосида 7,5 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганини кўриш мумкин. Шунингдек, прокурорларнинг протестлари асосида 1 мингдан ортиқ ноқонуний ҳужжатлар қонунга мувофиқлаштирилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 450 дан ортиқ тақдимномалар киритилди.**”

нинг чўлланиш юқори ва экологик мувозанат доимий назоратни талаб қиладиган ҳудудларидан бири ҳисобланиб, айниқса, ичимлик сувидан оқилона фойдаланишни ҳаётинг ўзи тақозо этади. Мазкур йўналишда вилоят прокуратураси органлари томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида мавжуд 149 та автомобиль ювиш шохобчасидан 101 таси экспертиза ҳулосасини олмасдан фаолият юритиб келаётганлиги аниқланди. Ачинарлиси, автомобиль ювиш шохобчаларининг 79 таси (53 фоизи) тоза ичимлик сувидан, қолган 70 таси (47 фоизи) ер ости сувларидан фойдаланиб келган. “Навоий сув таъминоти” АЖ томонидан автомобиль ювиш шохобчаларига ичимлик суви етказиб берилиши оқибатида 2024-2025 йилларда 94431 кубометр ёки 710 млн. 790 минг сўмлик ичимлик суви мақсадсиз сарфланган.

Таҳлил қилинганда, қонунчиликда ичимлик сувидан инсоннинг истеъмол этиёғиждан бошқа мақсадда фойдаланишни чеклашга оид нормалар мавжуд эмаслиги аниқланиб, бу борада қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича тақлиф лойиҳаси ишлаб чиқилиши таъминланди.

Барча ҳудудлар сингари бугун Навоий вилотида ҳам кенг қўламдаги

“Тинчлик” ва “Боғчақалон” МФЙ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш объекти лойиҳа-смета ҳужжатларига зарурати бўлмаган ортиқча иш ҳажмлари ва материаллар киритилганини аниқланиб, ҳужжатлар ҳамда иш турлари мақбуллаштирилиши натижасида 3,8 млрд. сўм тежалди. Шунингдек, ортиқча харажатлар чиқариб ташланиши ҳисобига Зарафшон шаҳридаги янги мактаб биносини қуриш объектида 3,5 млрд. сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилган бўлса, Қонимех туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг спорт залини қуришда 3,8 млн. сўмлик ишлар ҳисоботга қўшиб ёзилганлиги аниқланиб, қонун устуворлиги таъминланди. Назорат тадбирлари давомида сифатсиз иш ҳажмларини бартараф этиш, давлатга етказилган зарарларнинг ундирилиш чоралари қўрилди.

Шаффофлик, айниқса, давлат харидлари жараёнларида очқиклик

Фаолиятимиз билан боғлиқ бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Биз бу борадаги ишларни тизимли давом эттириб, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий дафтарларга киритилган фўқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаини яратиш ва умуман, халқни рози қилиш борасидаги саяёҳаракатларимизни тизимли давом эттирамиз.

Абдуқаҳҳор МУЛЛАЖОНОВ,
Навоий вилоти прокурори.

соғлом рақобатни таъминлаш баробарида жамиятни манфаатлар тўқнашувидан холи этувчи омил ҳисобланади. Шу мақсадда вилоят прокуратура органлари томонидан ўтказилган ўрганишларда 54 та ҳолатда 8 млрд. 609 млн. сўмлик “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилиши билан боғлиқ харакатларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ва кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 1 млрд. 296,2 млн. сўмлик 5 та жиноят иши кўзгатилган.

Мисол учун, “Навоий КМК” АЖ Моддий-техник таъминот бошқармаси мансабдор шахслари томонидан мансаб ваколатлари суиистеъмол қилиниб, “Reduktor Technology” МЧЖ билан тузилган икки шартнома қасддан рўйхатдан ўтказилмаган. Мазкур шартномалар юзасидан ўз мажбурияти бажарилмаганлиги оқибатида қомбинат манфаатларига 4 млрд. 700 млн. сўм миқдорида зарар етказилган. Ушбу ҳолат бўйича “Навоий КМК” АЖнинг Моддий-техник таъминот бошқармаси мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан жиноят иши кўзгатилди.

Айтиш жоизки, жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика тадбирларига устуворлик берилмоқда. Шу мақсадда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, тезкор-қидирув ва терговни мувофиқлаштириш борасида асосий эътибор жиноят ва ҳуқуқбузарликлар тўб сабабларини аниқлаб, уларнинг содир этилишига шароит яратган омилларни бартараф қилишга қаратилмоқда.

Қўрилган чоралар натижасида вилоят бўйича 330 та маҳалланинг 216 тасида жиноят қайд этилмади ҳамда 90 тасида жиноятлар қамайишига эришилди. Жиноятлар қўпайган 24 та маҳалла “қизил” тоифага киритилиб, ҳамкорликда қўшма патруллик йўналишлари ташкил қилинди.

Албатта, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини туради. Шу таъйил асосида вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида келиб тушган жами 4516 та мурожаатнинг 3291 таси бевоқосита прокуратура органларида кўриб чиқилди, 6052 фўқаро қабул қилиниб, 765 нафарининг ҳуқуқлари тикланди. Мурожаатларни кўриб чиқишда асосий эътибор фўқароларнинг бузилган ҳуқуқларини амалда тиклашга қаратилиб, бу йўналишда ноқонуний ҳужжатларга 8 та протест келтирилди, қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида 2 та тақдимнома киритилди, 13 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

«ХУМО» БОЛАЖОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ



Қўшқўпир туманидаги “Хумо” болалар оромгоҳи бу йилги мавсумни янги бинода бошлади. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси маблаг ҳисобига оромгоҳнинг барча қулайликка эга замонавий биноси бунёд этилди. Янги объектнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар иштирок этди.

■ Таътил — 2025

— Мазкур оромгоҳ нафақат Хоразм вилоти, балки бутун Оролбўйи минтақаси болаларини соғломлаштиришда муҳим ўрин тутди, — дейди Хоразм вилоти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Гулсара Қўрбонбоева. — Вилотиимизнинг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган 200 ўринли

ушбу оромгоҳда ёз мавсуми давомида 1 минг нафар болаларни мароқли дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди, — дейди Хоразм вилоти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Гулсара Қўрбонбоева. — Вилотиимизнинг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган 200 ўринли

да Хоразм вилоти бўйича 27 та оромгоҳда 12 минг нафарга яқин болаларнинг мароқли дам олишини ташкил қилиш, “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида ўқувчиларни турли тўғараклар ва спорт машғулотларига жалб этиш режалаштирилган.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

СИРДАРЁДА ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕМАРКАЗ

Сирдарё вилоти телерадиоканали ташкил топганидан буён шу кунгача мослаштирилган бинода фаолият юритиб келаётган эди. Эндиликда ушбу оммавий ахборот воситаси янги бинода иш бошлади.

■ Қулайлик

— Янги офисимизнинг меъморий ечими-ю, бичимида телерадио медиа-материалларини тайёрлаш ҳамда эфирга узатишни ҳар жиҳатдан сифатли амалга оширишда зарур бўладиган барча талаб ва имкониятлар ҳисобга олинган, — дейди “Сирдарё” телерадиоканали директори Зафар Дархон. — Ижодий ва техник ходимлар учун яратилган шароитлар ҳам аъло. Қолаверса, бинонинг ҳали давом этаётган техник-технологик жиҳозланиши ҳам замонавий талабларга мос бўлмоқда.

Маълум қилинишича, янги бино туфайли эшиттириш ва кўрсатувлар олиб бориладиган студиялар майдони кенгайди. Хусусан, радиостудия 50 квадрат метр бўлса, информაციон дастурларнинг ижодий майдони 150 квадрат метрга етди. Ток-шоулар учун 450 квадрат метрлик студия ташкил қилинди. Овоз ёзиш, эшиттириш ва кўрсатувларни монтаж қилиш хоналари ҳам бир неча баравар қўпайди. Эътиборлиси, тўғри-



дан-тўғри эфирга узатиладиган кўрсатув ва эшиттиришларни олиб бориш имконияти кенгайди.

Тележурналистлар янги бинода янги-янги ижодий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоти Мактаб ва мактабгача таълим бошқармаси билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ёзги таътилига мўлжалланган 2 та кўрсатув ташкил этилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

«Ўзэкспомарказ» Миллий кўрғазма компанияси» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида

ХАБАРНОМА

«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Қузатув кенгашининг шу йил 5 июндаги қарорига асосан жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши **2025 йил 30 июнь** кун, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 107-уйда жойлашган жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан бошланиб, 10:50 да тугайди. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри **2025 йил 24 июнь** ҳолатига тузилади.

Кун тартиби:

1. Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Қузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият фаолиятининг 2024 йил якунлари бўйича Бошқарув раисининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва жамиятда корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мониторингори натижаларини кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича соф фойдасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2025 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамият ижро органи (Бошқарув раиси ва аъзоларининг) ваколатларини узайтириш ва тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши қўллаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2025 йил учун

ҳисобланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

11. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти билан тузиладиган кредит шартномаси бўйича йирик битимни тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари миқдорини белгилаш тўғрисида.

13. Жамият ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришларни маъқуллаш ва жамият ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

14. Жамият Уставига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни маъқуллаш ва жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

15. Жамиятнинг бошқарув органлари меҳнатига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 40 ва 41-моддаларига асосан “Ўзэкспомарказ” МКК» АЖ акциядорлари, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти билан тузиладиган кредит шартномаси бўйича йирик битимни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган бўлса ёҳуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли эканликларини маълум қиламиз.

Акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати **2025 йил 24 июнь** ҳолатига тузилади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш акцияларнинг бозор қиймати бўйича нақдсиз пул ўтказиш йўли билан (миллий валютасида) амалга оширилади.

Жамият томонидан сотиб олинмаган 1 донга оддий акциянинг бозор қиймати мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган жамият акцияларининг бозор нархи доирасида амалга оширилади.

Акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши учун акциядорлар:

а) акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери), депо ҳисобварағидан кўчирма (ёки нусхаси), сотиб олиниши талаб қилинаётган акциялар сони ва акцияларни тўлаш учун маблағлар ўтказилиши лозим бўлган банк реквизитларини кўрсатган ҳолда жамиятга ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида ёзма талаб (ариза) юбориши;

б) паспорт ёки шахс гувоҳномаси билан шахсан келиши ёки акцияларни қайтариб олиш шартномасини тузиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома билан ваколатли вакили жамиятга юбориши;

с) юридик шахс мақомига эга бўлган жамият акциядорлари билан акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш учун ушбу юридик шахс раҳбари ёки ваколатли вакили қатнашиши лозим бўлади. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 107-уйда жойлашган “Ўзэкспомарказ” МКК» АЖнинг биносида 2025 йил 16 июндан 27 июнга қадар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишиши мумкин.
Электрон почта манзили: info@uzexpocentre.uz.
Телефон: 71-238-56-21.

Швеция Риксдагида Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳиятига бағишланган бизнес-семинар уюштирилди.

«O’ZSANOATQURILISHBANK» ATB

Markaziy bankning RU №17 litsenziyasi, 2021-yil 25-dekabr
Yuridik manzil: 100000, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi, 3A

KONSOLIDATSIYALASHGAN MOLİYAVIY HOLAT TO’G’RISIDAGI
HISOBOT 2024-YIL 31-DEKABR HOLATIGA

	Izoh	2024-yil 31-dekabr	2023-yil 31-dekabr
AKTIVLAR			
Pul mablag'lari va ularning ekvivalentlari	8	6 525 860	6 965 894
Boshqa banklardagi mablag'lar	9	1 707 029	1 778 707
Amortizatsiyalanadigan qiymat orqali hisoblangan investitsion qimmatli qog'ozlar	11	4 364 719	2 093 415
Boshqa umumlashgan daromadlar orqali haqqoniy qiymatda baholangan moliyaviy aktivlar	12	146 012	119 217
Mijozlarga berilgan kreditlar va bo'naklar	10	66 475 832	58 008 238
Qo'shma korxonalarga investitsiyalar	13	122 008	77 814
Derivativ moliyaviy aktivlar	33	33 149	51 499
Sug'urta aktivlari	27	75 715	20 334
Joriy daromad solig'i bo'yicha oldindan to'lov		-	238 871
Boshqa aktivlar	15	407 461	147 845
Kechiktirilgan soliq aktivlari	29	305 078	203 571
Asosiy vositalar	14	3 874 808	3 340 418
Nomoddiy aktivlar	14	96 172	67 945
Sotuv uchun mo'ljallangan aktivlar	16	666 325	179 555
JAMI AKTIVLAR		84 800 168	73 293 323
MAJBURIYATLAR			
Boshqa banklarning mablag'lari	17	2 819 710	5 818 951
Mijozlarning mablag'lari	18	21 103 701	14 328 682
Chiqarilgan qarz qimmatli qog'ozlari	19	9 055 263	4 970 366
Boshqa qarz mablag'lari	20	39 833 147	37 633 735
Derivativ moliyaviy majburiyatlar	33	122 982	-
Sug'urta majburiyatlari	27	269 909	157 745
Boshqa majburiyatlar	21	258 488	247 059
Subordinar qarz	22	1 984 144	1 696 854
JAMI MAJBURIYATLAR		75 447 344	64 853 392
KAPITAL			
Ustav kapital	23	4 634 438	4 634 438
Taqsimlanmagan foyda		4 682 683	3 781 693
Boshqa umumlashgan daromad orqali haqqoniy qiymatda baholangan moliyaviy aktivlar bo'yicha qayta baholash zaxirasi		34 232	23 688
Bank aksiyadorlariga tegishli jami kapital		9 351 353	8 439 819
Nazorat qilinmaydigan egalik ulushlari		1 471	112
JAMI KAPITAL		9 352 824	8 439 931
JAMI MAJBURIYATLAR VA KAPITAL		84 800 168	73 293 323

KONSOLIDATSIYALASHGAN FOYDA VA ZARARLAR HAMDA
UMUMLASHGAN DAROMAD TO’G’RISIDAGI HISOBOT
2024-YIL 31-DEKABR HOLATIGA

	Izoh	2024-yil	2023-yil
Samarali foiz stavkasi usuli asosida hisoblangan foiz daromadlari	25	8 993 763	7 185 285
Boshqa shunga o'xshash daromadlar	25	47 655	36 176
Foizli xarajatlar	25	(5 498 913)	(4 080 099)
Foiz va shunga o'xshash daromadlar bo'yicha sof marja		3 542 505	3 141 362
Mijozlarga berilgan kreditlar va bo'naklar bo'yicha kredit yo'qotishlariga zaxira	10	(1 481 544)	(1 133 383)
Mijozlarga berilgan kreditlar va bo'naklar bo'yicha kredit yo'qotishlariga zaxira ajratilgandan keyingi foiz va shunga o'xshash daromadlar bo'yicha sof marja		2 060 961	2 007 979
Komission daromadlar	26	567 788	515 905
Komission xarajatlar	26	(157 198)	(132 060)
Mijozlarga berilgan kreditlar va bo'naklar bo'yicha dastlabki tan olishdagi zarar		(4 855)	(8 063)
Chet el valyutasi qayta baholashdan olingan sof daromad		(19 958)	98 311
Chet el valyutasi operatsiyalaridan olingan sof daromad		1 054 505	462 964
Derivativ instrumentlar bo'yicha operatsiyalar bo'yicha xarajatlar		(62 275)	(233 476)
Sug'urta operatsiyalaridan olinadigan daromad (qayta sug'urtalash faoliyatisiz)	27	129 464	90 867
Sug'urta operatsiyalari bo'yicha xarajatlar (qayta sug'urtalash faoliyatisiz)	27	(82 963)	(79 049)
Qayta sug'urtalash faoliyati	27	(17 427)	(12 959)
Sug'urta shartnomalari bo'yicha moliyaviy daromad (xarajatlar) (sof ko'rsatkichda)	27	(20 136)	(16 044)
Olingan dividendlar		3 160	11 251
Boshqa operatsion daromadlar		28 275	27 371
Boshqa aktivlarning qadrsizlanishi bo'yicha zaxira		(68 287)	14 879
Sotish uchun mo'ljallangan aktivlarning qadrsizlanishi		(79 200)	(6 402)
Ma'muriy va boshqa operatsion xarajatlar	28	(1 948 386)	(1 670 778)
Qo'shma korxonalardagi zarar ulushi		(115)	381
Soliq to'lagunga qadar foyda		1 383 353	1 071 077
Daromad solig'i bo'yicha xarajatlar	29	(268 328)	(214 923)
YIL UCHUN SOF FOYDA		1 115 025	856 154
Boshqa jami daromad:			
Keyinchalik foyda yoki zararga tarkibiga qayta tasniflanmaydigan bandlar:			
Boshqa umumiy daromadlar hisobidan haqqoniy qiymat bilan baholangan qimmatli qog'ozlar vositalarini haqqoniy qiymatining o'zgarishidan olingan daromad		13 180	11 497
Keyinchalik foyda yoki zararga tarkibiga qayta tasniflanmaydigan bandlar bo'yicha daromad solig'i	29	(2 636)	(2 299)
Boshqa umumiy daromad		10 544	9 198
JAMI YIL UCHUN UMUMIY FOYDA		1 125 569	865 352
Quyidagilarga tegishli:			
– Bank aksiyadorlariga		1 115 120	856 171
– Nazorat qilinmaydigan egalik ulushlari		(95)	(17)
YIL UCHUN SOF FOYDA		1 115 025	856 154
Quyidagilarga tegishli:			
– Bank aksiyadorlariga		1 125 664	865 369
– Nazorat qilinmaydigan egalik ulushlari		(95)	(17)
JAMI YIL UCHUN UMUMIY FOYDA		1 125 569	865 352
Oddiy aksiyaga to'g'ri keluvchi asosiy daromad (UZS hisobida)	31	4,58	3,52

KONSOLIDATSIYALASHGAN KAPITALDAGI O’ZGARISHLAR
TO’G’RISIDAGI HISOBOT 2024-YIL 31-DEKABR HOLATIGA

	Bank egalariga tegishli					
	Ustav kapitali	Boshqa umumiy daromadlar hisobidan haqqoniy qiymat bilan baholangan qimmatli qog'ozlar vositalarini qayta baholash zaxirasi	Taqsimlan-magan foyda	Jami	Nazorat qilinmaydigan egalik ulushlari	Jami kapital
2023-yil 1-yanvar	4 640 011	14 490	2 925 522	7 580 023	1 133	7 581 156
Yil uchun sof foyda	-	-	856 171	856 171	(17)	856 154
Yil uchun boshqa umumiy daromad	-	9 198	-	9 198	-	9 198
Jami yil uchun umumiy daromad	-	9 198	856 171	865 369	(17)	865 352
Sho'ba tashkilotlardagi nazorat qilinmaydigan ulushni xarid qilish	-	-	-	-	(1 004)	(1 004)
O'z aksiyalarini xarid qilish	(5 573)	-	-	(5 573)	-	(5 573)
2024-yil 1-yanvar	4 634 438	23 688	3 781 693	8 439 819	112	8 439 931
Yil uchun sof foyda	-	-	1 115 120	1 115 120	(95)	1 115 025
Yil uchun boshqa umumiy daromad	-	10 544	-	10 544	-	10 544
Jami yil uchun umumiy daromad	-	10 544	1 115 120	1 125 664	(95)	1 125 569
Sho'ba tashkilotni sotib olish natijasida yuzaga kelgan nazorat qilinmaydigan ulush	-	-	-	-	1 454	1 454
Hukumat ko'rsatmasiga binoan berilgan bozor darajasidan past foizli kreditlarning ta'siri	-	-	(267 663)	(267 663)	-	(267 663)
Hukumat ko'rsatmasiga binoan berilgan bozor darajasidan past foizli kreditlar bo'yicha kechiktirilgan soliq ta'siri	-	-	53 533	53 533	-	53 533
2024-yil 31-dekabr	4 634 438	34 232	4 682 683	9 351 353	1 471	9 352 824

KONSOLIDATSIYALASHGAN PUL OQIMLARI TO’G’RISIDAGI
HISOBOT 2024-YIL 31-DEKABR HOLATIGA

	Izoh	2024-yil	2023-yil
Operatsion faoliyatdan olingan pul mablag'lari			
Olingan foizlar		7 796 677	6 210 125
To'langan foizlar		(5 208 442)	(4 476 779)
Olingan komissiyalar		547 343	515 205
To'langan komissiyalar		(157 198)	(132 060)
Moliyaviy derivativlar		(40 672)	(93 568)
Sug'urta operatsiyalaridan olingan daromad		122 183	88 204
Sug'urta operatsiyalari bo'yicha to'langan xarajatlar		(40 568)	(44 478)
Chet el valyutasi operatsiyalaridan olingan sof daromad		1 054 505	462 964
Boshqa olingan operatsion daromadlar		10 055	17 021
Xodimlarga to'langan xarajatlar		(1 084 000)	(1 047 222)
Ma'muriy va boshqa to'langan operatsion xarajatlar		(693 035)	(499 117)
To'langan daromad solig'i		(54 555)	(213 055)
Operatsion aktivlar va majburiyatlarning o'zgarishidan oldingi operatsion faoliyatdagi pul mablag'lari		2 252 293	787 240
Boshqa banklardagi mablag'lar bo'yicha sof kamayishi / (o'sishi)		84 238	(176 850)
Mijozlarga berilgan kreditlar va bo'naklar bo'yicha sof (oshish)/kamayish		(8 886 569)	(5 574 362)
Amortizatsiya qilingan qiymat orqali hisoblangan investitsion qimmatli qog'ozlar bo'yicha sof o'sish		(2 174 601)	633 368
Boshqa aktivlar bo'yicha sof (o'sishi) / kamayishi		(42 475)	68 404
Sotish uchun mo'ljallangan aktivlar bo'yicha sof (oshish)/kamayish		97 201	37 388
Boshqa banklar mablag'lari bo'yicha sof o'sishi / (kamayishi)		(2 857 862)	1 504 240
Mijozlar mablag'lari bo'yicha sof o'sish		6 543 536	(1 507 992)
Boshqa majburiyatlar bo'yicha sof kamayish		(9 071)	(36 897)
Operatsion faoliyatda ishlatilgan sof pul mablag'lari		(4 993 310)	(4 265 461)
Investitsion faoliyatdan olingan pul mablag'lari			
Boshqa umumlashgan daromad orqali haqqoniy qiymatda baholanadigan moliyaviy aktivlarni sotib olish		(22 073)	(67 067)
Asosiy vositalar va nomoddiy aktivlarni sotib olish		(952 748)	(1 169 084)
Asosiy vositalar va nomoddiy aktivlarni realizatsiyadan tushgan tushumlar		19 329	43 644
Qo'shma korxonalarga investitsiyalarini sotib olish		(44 309)	(41 599)
Qabul qilingan dividendlar		3 160	9 269
Investitsiya faoliyatida ishlatilgan sof pul mablag'lari		(996 641)	(1 224 837)
Moliyaviy faoliyatdan olingan pul mablag'lari			
Jalb qilingan boshqa qarz mablag'lari	24	18 185 338	16 506 252
Qaytarib to'langan boshqa olingan qarz mablag'lari	24	(16 436 171)	(12 937 288)
Chiqarilgan qarz qimmatli qog'ozlaridan tushgan mablag'lar	24	7 224 314	1 286 100
Chiqarilgan qarz qimmatli qog'ozlarini qaytarish	24	(3 798 265)	-
Boshqa subordinatsiyalashgan qarzlar bo'yicha tushumlar	24	251 100	240 848
To'langan dividendlar		(155)	(1 525)
Moliyaviy faoliyatda ishlatilgan sof pul mablag'lari		5 426 161	5 094 387
Valyuta kursi o'zgarishlarining pul mablag'lari ta'siri va ularning ekvivalentlari		123 756	242 316
Pul mablag'lari va uning ekvivalentlarining sof o'sishi		(440 034)	(153 595)
Yil boshidagi pul mablag'lari va ularning ekvivalentlari	8	6 965 894	7 119 489
Yil oxiridagi pul mablag'lari va ularning ekvivalentlari	8	6 525 860	6 965 894

Mustaqil auditorlik tashkiloti “PricewaterhouseCoopers” MChJ (PwC) (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan 2019-yil 5-aprel kuni berilgan №00780-sonli litsenziya) o‘tkazilgan audit natijalariga ko‘ra quyidagi fikrni bildiradi: konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobot barcha muhim jihatlar bo'yicha “O‘zbekiston sanoat-qurilish banki” aksiyadorlik tijorat banki (keyingi o‘rinlarda – “Bank”) va uning sho'ba korxonalari (keyingi o‘rinlarda birgalikda – “Guruh”)ning 2024-yil 31-dekabr holatiga konsolidatsiyalashgan moliyaviy holatini, shuningdek, Guruhning konsolidatsiyalashgan moliyaviy natijalari va pul oqimlarini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) muvofiq ravishda ishonchli va haqqoniy aks ettiradi.

МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИ СОЛНОМАСИГА ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН БИТИЛАДИГАН ЁРҚИН НАТИЖА



Футбол илгарилари "Миллионлар ўйини" деб ном олган бўлса-да, бугун у миллиардлар ўйини сифатида энг ёрқин ва томошабоп спорт даражасига чиқиб бўлди. Айниқса, футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати мусобақаси муҳлислар тўплаш борасида биринчи ўринда эътироф этилади. Шу боис мазкур мусобақада қатнашиш ҳар қандай юрт терма жамоасининг улкан орзусидир. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам деярли 30 йил мобайнида етти мартаба Жаҳон чемпионатига чиқиш учун ҳаракат қилган. Илк бор 1998 йилда Францияда ўтказилган чемпионат учун саралаш баҳсларига киришган Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу пайтгача турли сабабларга кўра мундиалдан четда қолиб келган. Қачондир гуруҳдаги қоникарсиз иштирок, қайсидир сафар бир гол етишмаслик ҳолати,

2014 йилги мундиалнинг ОФК ўтиш баҳсларида (Иорданияга пенальтилар сериясида ютказган) омадсизлик рўй берган.

2017 йилнинг 17 январь санасида ФИФА президенти Жанни Инфантино ҳисоб бўйича 23-бор уюштирилаётган биринчилигида 48 мамлакат терма жамоаси қатнашишини эълон қилган эди. Ташкилотнинг 2018 йил 13 июнда ўтган 68-конгрессида мезбон мамлакатлар номи аниқ бўлиб улгурди. Мусобақа 16 та шаҳар — АҚШнинг 11, Мексиканинг 3 ва Канаданинг 2 шаҳрида ўтиши тасдиқланди. Регламентга кўра терма жамоалар тўрттадан 12 та гуруҳга ажратилади. Плей-офф босқичига гуруҳда

1 ва 2-ўринни, шунингдек, энг яхши 8 та 3-ўринни эгаллаган жамоалар йўл олиши белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, мундиаллар тарихида янги 1/16 финал босқичи пайдо бўлади.

Иштирокчилар сонининг ортиши ФИФАга аъзо ташкилотлар учун қўшимча ўринлар ажратилишига сабаб бўлиб, Осиё футбол конфедерациясига 8,5 та квота берилди.

2026 йилги мундиаль саралаш баҳсларини словениялик Сречко Катанец мураббийлигида бошлаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2-босқични мағлубиятсиз ўтказиб, 3-босқичнинг "А" гуруҳида Эрон, БАА, Қатар, Қирғиз Республикаси ва ҚХДР терма жамоалари билан куч синашишига тўғри келди. Саралашнинг муҳим палласига келиб, словениялик мураббий соғлими туфайли терма жамоамизни тарқ этишга мажбур бўлди. Жорий йил бошида Ўзбекистон футбол ассоциацияси зиммасида муҳим — терма жамоага янги мураббийни тайинлаш бўйича вазифа қолган эди. Улар кўп ўйлашиб ўтирмай, Ўзбекистон олимпия терма жамоасини Париж Олимпиадасига илк мартаба олиб чиққан Темур Кападзени бош жамоамизга мураббий қилиб тайинлашди. Бу ўзини оқлаб, футболчиларимиз мuddатидан олдин мундиалга чиқиш вазифасини ижобий ҳал қилишди.

Мазкур тарихий ғалабадан сўнг Президентимиз футболчиларимизга табрик йўлади. Унда, ҳусусан, шундай дейилди: "Саралаш ўйинлари нақадар кучли рақобат остида, кескин ва шиддатли курашларда ўтгани, терма жамоамизга нисбатан турли босимлар бўлганига қарамаддан, сизлар зарур очколарни жамғариб, азму шижоатли Янги Ўзбекистон ёшлари қандай юксак марраларни эгаллашга қодир эканини яна бир бор амалда ишботладингиз".

БААдаги ўйинни газетамиз ходими Сардор Поёнов бевосита кузатиб, футболчиларимиз қувончига шерик бўлиш баробарида, уларнинг ўйиндан кейинги фикрлари билан ҳам қизиқди.

— Муҳлисларимизни жаҳон чемпионатига чиққанамиз билан табриқлаймиз. Неча йиллик орзуларимизни амалга оширдик, чунки бундай ёрқин ғалабани бутун халқимиз биздан кутган эди, — дейди терма жамоамиз сардори Элдор Шомуродов.

Муҳим босқичда ўз дарвозасини муқаррар голлардан асраган дарвозабонимиз Ўткирбек Юсупов БАА билан баҳс давомида ҳам ишончли ҳаракат қилиб, йўланмани кўлга киритишда асосий футболчи бўлди.

— Бутун халқимиз бу ғалабадан хурсанд, уларнинг дуолари билан шу жойгача келдик. Олимпиадага қўйилган вазифани бажардик. Жаҳон чемпионатига чиқиб, юртимизнинг неча йиллик орзусига эришдик, — дейди ўйиннинг энг яхши футболчиси деб топилган Ўткирбек Юсупов.

Миллий спортимиз соғломасига олтин ҳарфлар билан битиладиган бундай ёрқин натижа нафақат юртимиздаги миллионлаб футбол муҳлислари, балки бутун халқимиз қувончу хурсандчилигига сабаб бўлди.

Шу тариқа 2026 йилги АҚШ, Мексика ва Канада ашил майдонларида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида Ватанимиз байроғи илк бор ҳил-пирайди.

Энди терма жамоамиз "А" гуруҳидаги сўнгги турда Қатар билан 10 июнь кунни Тошкентда ўйин ўтказди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

«Аичи-Нагоя — 2026»: ёзги Осиё ўйинларига бағишланди

"Tashkent City" майдонида "Аичи-Нагоя — 2026" ёзги Осиё ўйинлари тарғиботи доирасида "Fun Run" мусобақалари ташкил этилди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси спорт вазири Аҳдам Икромов, Миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Отабек Умаров, Ўзбекистон триатлон федерацияси раиси Виктор Махмудов ва Олимпия қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов, Осиё олимпия кенгаши ҳамда "Аичи-Нагоя — 2026" ташкилий қўмитаси вакиллари, ўзбек спортни юлдузлари ва ёш атлетлар қатнашди.

Мусобақа доирасида нафақат спорт ўйинлари, балки Олимпия ҳаракатини тарғиб қилувчи расмлар чизиш танлови ҳам ташкил этилди. Яқунда юқори қўрсаткич қайд этган иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бокс: Олимпиада чемпионлари рингга чиқади



Бугун Нидерландияда бокс бўйича "Эйндховен кубоғи" халқаро мусобақаси бошланади.

Ушбу халқаро мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси уч нафар боксчи — Абдумалик Ҳалоқов (-60 кг.), Асадхўжа Мўйдинхўжаев (-70 кг.) ва Тўрабек Ҳабибуллаев (-90 кг.) иштирок этадиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу ҳамюртларимизнинг икки нафари Париж Олимпиадаси чемпионлари ҳисобланади.

Теннис: Якшибаровадан ғалаба, Абдураимова эса...

Шу кунларда пойтахтимизда теннис бўйича W15 тоифасига қирувчи халқаро турнир бўлиб ўтмоқда.

Унда WTA рейтингига 888-ўринда бораётган ва юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Влада Якшибарова 1/4 финал йўлнамасини кўлга киритди. У 2 соат 33 дақиқа давом этган нимчорак финал баҳсида россиялик Влада Зверевани (WTA рейтингига 1190-ўрин) 6/3, 3/6, 6/1 ҳисобида мағлуб этди.

Узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси бўлиб келган Нигина Абдураимова эса 1/8 финалда мусобақанинг туртинчи ракеткаси, ҳиндистонлик Ваишнави Адкарга 2/6, 4/6 ҳисобида ўтказиб қўйди. Н. Абдураимова айни пайтда WTA рейтингига 942, В. Адкар 632-поғонадан жой олган.

«Халқ сўзи».

ЮТУҚЛАР СИРИ — ИШОНЧ ВА ИМКОНИЯТДА

Кейинги йилларда Ўзбекистон спорти жуда катта ютуқларга эришмоқда. Боксчиларимиз, шахматчиларимиз, футболчиларимиз қаторида Шарқ якка кураши турлари билан шуғулланаётган ёшларимиз ҳам дунё спорт ихлосмандларининг эътирофига сазовор бўлишмоқда. Хўш, бу муваффақиятларнинг асл сабаби нимада? Улкан ютуқлар замирида қандай ҳаётий ҳақиқатлар бор? Шу каби саволларга жавоб олиш учун Ўзбекистон таэквондо ИТ ассоциацияси раиси Шерзод Тошматовга муурожаат қилдик.

Бизнинг суҳбат



Шерзод Тошматов 2014 йилда Ўзбекистон бокс федерациясида раис ўринбосари сифатида иш бошлаган. Бокс бўйича терма жамоа таркибини янги иқтидорлар билан тўлдириб, "Uzbek Tigers" жамоасини шакллантирган. Яримпрофессионал халқаро жангларни ташкил этиб, чарм кўлақоп усталарини тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасига тайёрлаб борган. Натижада ўзбек боксчилари дастлаб жаҳон чемпионатида, сўнгра Рио Олимпиадасида тарихий натижаларга эришиб, ўзбек спортида янги саҳифа очилишига сабабчи бўлди. Спорт тараққиётида ана шундай улкан ғалабаларнинг кўлга киритилишига ҳисса қўшиб келаётган Ш. Тошматовнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, у Президентимиз Фармонига биноан "Меҳнат шўхрати", "Дўстлик" ва "Фидокорона хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган.

— Шерзод Рихсбоевич, сизни юртдошларимиз ўзбек спортидаги етакчи менежерлардан бири сифатида яхши танийди. Биламизки, юртимизда муайтай, бокс, таэквондо каби спорт турлари ривожига муносиб ҳисса қўша олган тажрибали мутахассиссиз. Айтинчи, янги Ўзбекистон спортчилари қайси жиҳатлар сабаб мана шундай катта марраларни забт эта оляпти? Умуман, катта спортда муваффақиятнинг сирини нимада?

— Ютуқлар, аввало, ишончга боғлиқ. Кўпчилик "ишонч" деганда, спортчининг ўзига бўлган ишончини тушунади. Тўғри, спортчи ғалабага ишониши, салоҳиятини тўғри баҳолай олиши муҳим. Ҳатто бунини ҳал қилувчи куч дейиш ҳам хато бўлмайди. Аммо спортчи қачон ўзига ишонади? Қайси сабаблар унинг юрагига, қалбига олға интилиш қувватини жўш урдиради? Узоқ йиллар давомида мазкур саволларга доим жавоб излаганмиз. Кейинчалик билдимки, спортчи қобилиятини тўғри баҳолай олиши учун унга имкон беришимиз керак экан. Янги Ўзбекистондаги ютуқларнинг сирини ана шу ишонч, имконият берилишидир.

Давлатимиз раҳбари ҳар сафар спортчилар билан учрашганида, суҳбатлашганида, масъулларга топшириқ бераётганида дўстона муносабатда бўлиб, юксак ишонч билдиради. Му-

ҳим жиҳати, Президентимиз доим рақамлар учун эмас, натижага ишлагани таъкидлайди. Натижага ишлаш ҳамisha ғалаба билан қайтиш шарт, дегани эмас. Тўғри, спортчи ҳар бир чиқишида ғалабага интилади. Лекин бу — спорт. Унда ғалаба ҳам, мағлубият ҳам ёнма-ён юради. Шу боис спортчида ҳозир мағлуб бўлсам, кейинги мусобақаларда иштирок этишим сўроқ остида қолади деган хавотир бўлмаслиги лозим. Янги Ўзбекистонда айнан мағлубиятни таҳлил қилиш, унинг сабабларини чуқур ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди. Айни пайтда ғалабадан гуруранлиб кетмаслик, изланиш ва ўз устида янада кўпроқ ишлаш керак экани ўқтирилмоқда. Президентимиз бир неча бор Олимпиада ва Паралимпия ўйинлари голиб ҳамда совриндорлари билан телефон орқали мулоқот қилиб, уларга раҳмат айтиди. Олтин медаль насилиб этмаган спортчиларга ҳам ишонч билдиради. Юксак маррани забт қилган ёшларимизни кўллаб-қувватлаб, бу ютуқлар бошлангич бўлиши керак эканини таъкидлади. Биз айтмоқчи бўлган ишонч, имконият мана шу аслида.

Қолаверса, юртимизда спортга қаратилган эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Соҳани ривожлантиришга ажратиладиган маблағ, уни тўғри сарфлаш расидаги ишларда янгича ёндашув шаклланди. Иш тизими бутунлай бошқача ташкил этилмоқда. Оддий ҳаётий мисол. Авваллари хориждан бирон машҳур спортчи, мураббий келадиган

бўлса, уни аэропортда карнай-сурнайлар билан кутиб олардик. У қандай ҳулоса бериши, ҳамкорлик қандай бўлишидан қатъи назар, яхшироқ меҳмон қилишга, шу орқали унинг ёдида қолишга уринардик. Мана шунинг ўзидек юқорида бот-бот такрорлаганмиз — ишончга путур етказилади. Яъни хориждан келган машҳур спортчи — зўр, биз унга етишимизга йўл бўлсин деган психологик кўнмака пайдо бўлади. Мағлубиятнинг биринчи қадами мана шундан бошланади.

Тўғри, аввал ҳам ютуқларимиз кам эмасди. Аммо ўша натижаларни салоҳиятимизга яраша, деб ҳам бўлмасди. Янги Ўзбекистонда одамларнинг дунёқарашини ўзгарди. Қалбларда мен бунини эплай оламан, шунга қодирман деган туйғу уйғонди. Бунинг самараси сифатида жорий йилнинг февраль ойида Хитойнинг Харбин шаҳрида ўтказилган IX кишки Осиё ўйинларида кўлга киритилган натижани айтиш мумкин. Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон спорт делегацияси 26 йиллик танлафусдан сўнг яна олтин медални кўлга киритди. Бу натижага фигурали учувчиларимиз Дмитрий Чигирев ва Екатерина Гейниш жуфтлиги эришди. Ёки 2022 йилда ташкил этилган Ислон бирдамлик ўйинларида олайлик. Унда вакилларимиз 19 та спорт тури бўйича 51 олтин, 42 та кумуш ва 65 та бронза медалига эга чиқиб, мусобақани умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринда якунлади.

Шу боис саволингизга лўнда қилиб катта спортдаги ютуқларимиз сабаби — инсон қадрининг улуғланаётганида, деб жавоб бериш мумкин. Кейинги йиллардаги ютуқларни, ҳеч шўбҳасиз, Президентимиз томонидан янги Ўзбекистонда олиб бориладиган ислохотларнинг самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

— Сиз узоқ йиллардан бери спортнинг турли йўналишлари бўйича федерацияларда масъулиятли вазифаларда фаолият юритиб келисангиз. Масалан, 2011 йилда муайтай бўйича жаҳон чемпионатининг юртимизда ўтказилишида ва жамоамизни 67 мамлакат орасида биринчи ўринга олиб чиқаришда, 2016 йилда Рио-де-Жанейро Олимпиадасида ўзбек боксчиларининг 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалини кўлга киритишида сизнинг ҳам ҳиссангиз бор. Чунки ўша пайтларда Ўзбекистон бокс федера-

циясида раис ўринбосари вазифасида ишлагансиз. Шундан келиб чиққан ҳолда айтингчи, спортчилар билан ишлашда қайси жиҳатларга эътибор бериш керак?

— Аслида бундай ютуқлар замирида катта меҳнат, юқорида айтганимиздай, улкан ишонччи оқлашга бўлган интилиш муҳимаси бўлади. Давлатимиз раҳбарининг "пастга тушиб, оддий одамлар билан ишлаш керак" деган жуда яхши таъкидлари бор. Бу оддий одамлар орасида шунчалик юриш эмас, уларнинг фикрини тинглаш, орзуларини билишдир. Агар сиз уларга ўзининг тенг тутсангиз, дўстона муносабатда бўлсангиз, улар исталган натижа сари бор куч-қувват билан олга интилади. Сизга қанот бўлади. Менимча, спортчилар билан ишлашда мана шу жиҳат энг муҳим ўрин тутайди.

— Сизнинг Ўзбекистон таэквондо ИТ ассоциациясидаги фаолиятингиз давомида терма жамоа кўллаб халқаро мусобақаларда иштирок этди. Ўрни келганда, мана шу натижалар, умуман, ушбу спорт турининг тараққиёти ҳақида айтиб берсангиз...

— Дарҳақиқат, кейинги йилларда бошқа спорт турлари каби таэквондо бўйича ҳам яхши натижалар қайд этилди. Маълумки, бу спорт турида дунёда етакчи мамлакатлар бор. Шу боис 2019 йилда Ўзбекистон таэквондо ИТ федерацияси раиси этиб тайинланганимдан сўнг спортчиларни тайёрлаш учун стратегия ишлаб чиқдик.

Натижада 2019 йилда Италияда таллаблар ўртасидаги Бутунжаҳон универсиада ўйинларида 1 кумуш, "Chuncheon Korea open — 2019" рейтинг мусобақасида биттадан кумуш ва бронза, "Kimurpon open" турнирида 1 олтин, 1 кумуш ва 1 бронза медалларини кўлга киритдик. Бундан ташқари, Иорданияда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 2 та олтин, 1 та кумуш ва 4 та бронза, Аммон шаҳридаги "Эл-Хасан кубоғи"да 2 тадан кумуш ва бронза, Дубай шахридаги кадетлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 1 кумуш ва 1 бронза, Россияда ўтказилган "Russia open" мусобақасида 5 олтин, 2 та кумуш ва 1 бронза медалига сазовор бўлдик.

2020 йилда БААда ўтказилган "Fujeuga open" рейтинг турнирида барча ёш тоифаларида 11 та олтин, 7 та кумуш ва 4 та бронза ҳамда катталар ўртасида ўтказилган "Turkish Open" турнирида 1 олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медали кўлга киритилди.

Шунингдек, 2021 йил ҳам юқори натижаларга бой бўлди. Терма жамоа "Turkish Open" турнирида 3 та олтин ва 5 та бронза медалини, Ливанда ўтказилган Осиё чемпионатида 3 та олтин, 1 та кумуш ва 6 та бронза меда-

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Пойтахтимизда вирусли гепатитни бартараф этиш бўйича миллий дастурларга бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибқолган 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термалар ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.35 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6